

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:  
№ БД – 5220100- 3.07  
2018 йил “18” 08



**ОАВ СОЦИОЛОГИЯСИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:** 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ  
**Таълим соҳаси:** 220000 – Журналистика ва ахборот  
**Таълим йўналиши:** 5220100 –Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

**Тошпўлатова Н.**

– ЎзДЖТУ, халқаро журналистика факультети, Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

**Дадахонов А.**

– ЎзДЖТУ, халқаро журналистика факультети, Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

### **Тақризчилар:**

**Ибрагимов Ш.**

– ЎЗМУ, журналистика факультети “Рақамли ОАВ” кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент. (*турдош ОТМ*);

**Қосимова Н.**

– ЎзДЖТУ, халқаро журналистика факультети, Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6”-сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

“ОАВ социологияси” курси замонавий ижтимоий фан ҳисобланган социологиянинг амалий-фундаментал билимларини журналистика соҳасида хизмат қилаётган медиа ташкилот ва журналистларнинг амалий эҳтиёжларини уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Талабаларга социологик тадқиқот усулларининг журналистик амалиётда ва таҳририят фаолияти самарадорлигида тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтиради. Журналистик ижод билан социологиянинг алоқасини кўрсатади. Журналистик фаолиятда аниқ социологик усулларнинг қўлланиши ҳақида маълумот беради.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

**Мазкур фаннинг мақсади** – Мазкур фаннинг мақсади – талабаларда журналистик ижодда социологик тадқиқотларнинг ўрни, кундалик фаолиятда социологик усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти, журналистика самарадорлиги ва асарлар таъсирчанлигини таъминлашда ОАВ социологиясини билиш катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида билим ва кўникма ҳосил қилишдан иборат.

**Фаннинг вазифаси** - замонавий социологиянинг махсус тармоғи сифатида талабаларда оммавий коммуникациялар жараёнларида ахборот олиш ва аудитория билан ишлашнинг социологик қонуниятлари ва бу жараёнларида ОАВнинг турли объектлар билан муносабатлари, журналистнинг касбий бурчи, масъулияти ва мажбуриятларига қўйиладиган, социологик талаблар бўйича муайян тушунчалар бериш кўзда тутилади.

“ОАВ социологияси” қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Матбуот, телевидение ва радио ҳамда интернет журналистикасининг шаклланишига доир назарий социологик ёндашувлар билан танишиш;
- Журналистика ва ОАВ фаолиятини ёритишда социологик тадқиқот усулларини қўллашнинг аҳамиятини;
- Социологик маълумотларни тўплаш, натижаларни таҳлил этиш ва уни журналистнинг касбий фаолиятини такомиллаштириш, ҳамда ОАВнинг замонавий аҳамиятини кучайтиришдаги ўрни;
- Журналистик фаолиятда социологик усуллардан фойдаланишнинг усул ва кўринишларини;
- ОАВ ва журналистлар фаолияти самарадорлигини ўрганиш ва мониторинг қилиш усул ва воситаларини;
- ОАВ таҳририяти ва аудиторияси билан ишлашда социологик усуллар ва самарадорликни ўлчаш мезонлари кабиларни ўргатади.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- Журналистиканинг ижтимоий табиати, журналистнинг социал қиёфаси ва кайфияти, унинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, айти пайтда журналистнинг касбий маҳорат хусусиятларини тушуниш;
- амалий социологик тадқиқот усулларини қўллаш натижасида журналистиканинг замонавий тенденцияларини таҳлил қилиш маҳорати;
- амалий социологик тадқиқотларда қўлланиладиган интервью, контент-таҳлил, фокус-гурух тадқиқотлар, мониторинг услубларининг имкониятларини билиш ва фойдалана олиш;
- назарий ва амалий социологик манбалар асосида амалга ошириладиган натижаларнинг ишончлилик даражасини баҳолаши ва амалиётда қўллаши;
- матбуот, радио, телевидение ва интернет журналистикасининг шаклланишига доир назарий социологик ёндашувлар билан танишиши;
- журналистика ва оав фаолиятини ёритишда социологик тадқиқот усулларини қўллашнинг аҳамиятини;
- социологик маълумотларни тўплаш, натижаларни таҳлил этиш ва уни журналистнинг касбий фаолиятини такомиллаштириш, ҳамда ОАВнинг замонавий аҳамиятини кучайтиришдаги ўрнини;
- ОАВ социологияси журналистиканинг ривожланган, замонавий йўналишлардан бири эканлиги;
- жамиятда ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида социология фанининг аҳамияти;
- халқаро журналистика ва ОАВ тизимини социологик тадқиқ этиш;
- халқаро журналистик ижодда социологик ёндашув ва социологик тадқиқот усуллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- ОАВ социологияси фанининг назарий асосларини;
- ОАВ социологиясининг тузилиши, фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар ва уларнинг асосларини;
- эмпирик тадқиқотларнинг йўналишларини;
- ОАВ социологиясида субъект, объект ва предмет тушунчаларини фарқлаш ва уларни тадқиқ этиш;
- ОАВ таҳририятлари самарадорлигини аниқлашда социологик усуллар ва мезонларни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- социологиянинг асосий методлари ва улардан амалиётда фойдаланиш;
- медиа ва социологик ташкилотларнинг шаклларини билиш;
- социологик ахборот олиш усулларини журналистик фаолиятда кенг қўллай олиш;
- журналистик ижодни социологик усуллар орқали тадқиқ қилиш;
- таҳририят фаолиятини мониторинг қилиш;
- аудитория учун ахборот тайёрлашнинг вақти ва жойини танлаш, махсус социологик тадқиқот йўналишларига техник ва ижтимоий имкониятлар яратиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)**

#### **1-мавзу. “ОАВ социологияси” замонавий социологиянинг махсус тармоғи сифатида**

Социология атамасининг луғавий маъноси. Социология жамоатчилик фикрининг кўзгуси. Социология ижтимоий фан сифатида, унинг мураккаб тузилиши. Социология ва журналистика фанининг объекти ва предмети.

Социологиянинг умумий назарияси, ашёвий соҳалар социологияси ва амалий социология. Социологик тадқиқотларнинг услублари: хужжатларни ўрганиш, сўров ўтказиш ва кузатиш. Тажриба махсус услуб сифатида. Социологиянинг бошқа жамиятшунослик фанлари билан фарқи ва ўхшашлиги. Социологик тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, йўналиши, методикаси ва хужжатлари ҳақида тушунча. Социологик ёндашувни олинадиган маълумотни ҳолислаштириш имкониятига эга эканлиги. Социологиянинг маърифий бошқарув, башоратчилик вазифаларининг ОАВ га тааллуқли томони. Журналистик ижод билан социологиянинг алоқаси. “ОАВ социологияси” фанининг амалиётда тутган ўрни ва аҳамияти

#### **2-мавзу. Журналистик амалиётда социологиянинг ўрни ва аҳамияти**

Замонавий жамиятда журналистика ва ОАВ тизимини социологик тадқиқ этишга эҳтиёж. Ахборотнинг замонавий жамиятдаги ўрни. Жамият таракқиётининг асосий тенденциялари ОАВ социологияси талқинида. Оммавий ахборот жараёнларидаги кескин ўзгаришлар. Журналистнинг социология бўйича малакага эга бўлиш босқичлари. Журналист кундалик фаолиятида қўллайдиган асосий социологик услублар. Бу услублардан онгли ва онгсиз тарзда фойдаланиш ўртасидаги тафовутлар.

Социологиядан малака ҳосил қилган бўлган журналист билан бундай малакага эга бўлмаган журналистнинг воқеликни билиш ва уни ёритишда турлича ижодий методологик воситаларга эришиши.

Журналистнинг ижодига таъсир этувчи муҳим омиллар социологик хужжатларни методологик ўрганиш, кузатиш ва сўров эканлиги. Хужжатлар билан ишлашнинг асосий кўринишлари.

Журналист ва таҳририят фаолияти самарадорлигини оширишда социологиянинг ўрни. Таҳририят ишини ташкил этиш йўналишлари.

#### **3-мавзу. Социологик тадқиқот дастури**

Социологик тадқиқотни тўғри ўтказишнинг муҳимлиги. Аниқ социологик тадқиқот дастури (АСТ) ҳақида тушунча. АСТ дастурининг икки бўлимдан – услубий ва амалий бўлимлардан иборатлиги, уларнинг тавсифи.

Услубий бўлим қисмларининг тавсифи. АСТ муаммосини аниқлаш, тадқиқот объекти ва предметини белгилаш. АСТ мақсадини белгилаш ва вазифаларини аниқлаш. Тадқиқотнинг асосий тушунчаларини аниқлаш ва уларни эътироф этиш. Тадқиқот объектини мунтазам равишда тадқиқ этиш. Ишчи фаразларни асослаб бериш.

Амалий (процедуралар) бўлими қисмларининг тавсифи. Тадқиқотнинг асосий режасини белгилаш. Ўрганилаётган бирликларни танлаш ва

тартибини белгилаш. Ўлчов бирликларини танлиш. Маълумот йиғиш учун асосий процедураларни аниқлаш ва якуний хулосалар чиқариш.

#### **4-мавзу. Журналистик фаолиятда аниқ социологик усуллар**

АСТнинг уч асосий усули: ҳужжатларни ўрганиш, сўров ва кузатиш ҳақида тушунча. Эксперимент – социологиянинг алоҳида усули сифатида.

Социологик ҳужжат тушунчаси. Ҳужжат турлари таснифи. Ҳужжатлар билан ишлаш усулининг журналистик фаолиятда намоён бўлиши ва аҳамияти.

Сўров методи ва унинг характерли белгилари. Сўров турлари: анкета, суҳбат, социометрик ва эксперт сўровларининг ўзига хосликлари ва таърифи.

Кузатиш усули. Унинг устунликлари ва камчиликлари. Кузатиш турлари ва шартлари.

Эксперимент усули ва уни ўтказиш талаблари. Эксперимент турлари.

#### **5-мавзу. ОАВ фаолиятини социологик усуллар орқали ўрганиш**

ОАВ социологиясининг таърифи ва йўналишлари. ОАВ социологияси социология фанининг бошқа соҳалари билан алоқаси. Унинг бошқа соҳалардан ажратиб турувчи асосий белгилари. ОАВ социологиясининг тармоқлари.

Социологиянинг журналистикани уч асосий йўналишда ўрганиши. Журналистика аудиторияси. Аудитория фикри. ОАВ чиқишлари матни. таҳририят фаолияти. Журналистлар фаолиятини ўрганишни яхшилаш усуллари ва шакллари.

#### **6-мавзу. Контент-таҳлил– ОАВ социологиясининг етакчи усулларидан бири.**

Ахборотни таҳлил қилишнинг муҳим воситалари. Контент-таҳлил – ОАВ социологиясининг асосий усули сифатида. Контент-таҳлилнинг хусусиятлари, унинг ютуқлари ва камчиликлари. Контент-таҳлилнинг ўлчов бирликлари. Контент-таҳлилни ўтказиш методикаси. Контент-таҳлил дастурлари. Контент-таҳлил матрицаси.

Социологик маълумотни таҳлил этишда контент таҳлил усули. Контент таҳлил турлари: сифатий ва миқдорий контент-таҳлил.

#### **7-мавзу. Социологик маълумот устида ишлаш ва таҳлил этиш**

Социологик маълумотни ишлаб чиқиш усуллари, шакллари ва босқичлари. АСТ ҳужжатларини тўлдириш ва натижаларини ҳисоблаш. АСТ натижаларини шарҳлаш усуллари.

Бирламчи маълумотларни ташкил этувчи жараённинг уч босқичи: тасвирлаш, тушунтириш ва башорат қилиш.

Ахборотни таҳлил қилишнинг муҳим воситалари.

## **8-мавзу. Таҳририятга келаётган хатлар билан социологик усуллар ёрдамида ишлаш ва уларни таҳлил қилиш**

Таҳририятга келаётган хатларни социологик усуллар ёрдамида ишлаш ва таҳлил қилиш. Хатларни ўрганиш жараёнига социологик ёндашув. Хатлар билан ишлаш босқичлари.

Хатларнинг тавсифи, таснифи ва илмий ўрганиш услуби. ОАВ таҳририятлари амалиётида хатлар билан ишлашнинг кўринишлари.

Интернет журналистикасида хатлар билан ишлаш усул ва воситалари. Хатлар билан ишлашда социологик усуллардан фойдаланиш амалиёти. Контент–таҳлил усулининг хатларни таҳлил қилишда етакчи усуллардан бири эканлиги.

## **9-мавзу. Журналистикада самарадорлик ва таъсирчанлик муаммоси**

Журналистикада самарадорлик тушунчаси. Сўнгги йилларда журналистикада фаоллик ва самарадорлик муаммоларининг кўпроқ ўрин тутаётганлиги. ОАВ социологиясининг ўрганиш усулларининг журналистлар фаолияти, оқибатларини кўрсатишга ва коммуникация жараёнининг самарадорлигини ўрганишга йўналтирилганлиги. Журналистика самарадорлигини социологик усуллар орқали ўрганиш омиллари.

Коммуникация жараёни самарадорлигини тадқиқ этиш ва ўрганиш. Самарадорликнинг намоён бўлиш шакллари ва йўналишлари.

## **10-мавзу. ОАВ аудиториясини ўрганиш – журналистика самарадорлигининг асосий йўналиши**

ОАВ аудиторияси ҳақида тушунча. Бозор иқтисодиёти шароитида ОАВ фаолиятининг аудиторияга бевосита боғлиқлиги. ОАВ аудиториясини ўрганиш зарурати ва йўллари.

ОАВ аудиторияси турлари ва уларни ўрганиш хусусиятлари. Аудитория манфаатлари – ОАВ учун асосий мезон сифатида. ОАВда дам олиш ва маърифий функцияларни бирлаштириш муаммоси.

## **11-мавзу. Журналистик ижодда социологик ёндашув**

Социологик усулларида фойдаланиш – журналистик ижоднинг илмийлигини ошириш йўли. Журналистик ижод — шахс фаолиятининг ўзига хос ижтимоий-маънавий соҳаси сифатида. Журналистнинг замон талабларига мослашуви. Журналистик фаолият мотивлари ва уларни ривожлантириш. Ижодий фаолият мотив моҳиятини англаш. Ахборот олиш, қайта ишлаш ва узатиш мотивлари.

## **12-мавзу. Журналист касбининг ижтимоий–психологик хусусиятлари.**

Журналист касбининг ижтимоий-психологик жиҳатлари: инсон – шахс – ижодкор. Шахс психологияси: миждоз, феъл-атвор, кайфият. Руҳий жараёнларнинг ўзига хослиги: хотира, эътибор, кузатув. Идрок тушунчасига таъриф. Журналист фаолиятида идрокнинг аҳамияти, унинг ўзгармаслиги ва

бутунлиги. Журналистик асарнинг пайдо бўлишида идрок, туйғулар, рухий ҳолатлар, муносабатларнинг мантикий асослари, қонуниятлари.

### **13-мавзу. Ижтимоий гуруҳларда коммуникациянинг асосий социопсихологик муаммолари**

Коммуникация (оммавий алоқа) тушунчаси ва уни жамиятдаги вазифаси, роли. Коммуникациянинг таркиби ва тузилиши. Ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги коммуникатив алоқаларнинг психологик ўзига хослиги. Оммавий коммуникация воситаларида мулоқотнинг психологик хусусиятлари.

### **14-мавзу. Оммавий коммуникациялар жараёнида мулоқотларнинг ўрни ва аҳамияти**

Мулоқот тушунчаси, унинг психологик табиати, жамиятдаги турли муносабатларда мулоқотнинг ўрни ва аҳамияти. Мулоқотга киришиш талаблари. Журналистнинг мулоқот бошқарувчиси сифатидаги вазифалари. Жамоа, аудитория, суҳбатдош билан мулоқотга киришишнинг умумий ва ўзига хос томонлари. Аудитория билан мулоқотга киришишда диалогларнинг аҳамияти. Кўпчилик ва икки кишилик суҳбатларнинг фарқлари.

### **15-мавзу. Журналист маҳоратини ўрганиш мезонлари**

Коммуникатор – ахборот – аудитория. Улар ўртасидаги муносабатларда журналистнинг вазифалари. Мулоқотдаги журналистнинг касбий қиёфаси ва роли.

Журналист тафаккур мезонлари: ўзига жалб қилувчи, фикр берувчи, ишонтирувчи, нисбий қаровчи, инкор қилувчи, бетараф, инсонпарвар, Net-қарашлар. Журналист шахсининг ижтимоий белгилари ва касбий хислатлари. Ижодий куч-қудрати, имконияти ва ўзгариши.

Журналист касбий фаолияти ва маҳоратини тадқиқ қилишда социологик усуллардан фойдаланиш.

### **16-мавзу. Журналист касбий қиёфаси ва ижтимоий имижини моделлаштириш**

Аудитория эътиборини қозонишда журналист имижини. Журналистнинг ахборот манбалари, мақола қаҳрамонлари, турли ижтимоий институт вакиллари, шу жумладан ҳукумат, ОАВ эгалари, муассислари, таҳририят раҳбарлари ва ходимлари билан мулоқотга киришиши.

Журналист ижтимоий имижини моделлаштириш: ўзига жалб қилиш, устунлик, билим-лаёқат, яқин олиш, ҳамма қатори, қаҳрамон, жумбоқ. Журналистнинг ижтимоий имижини тузилишига турлича ёндашув; мулоқотнинг боришига, яқинлик даражасига, ижтимоийлашиш жараёнларидаги вазифаси, матн ва тафаккур кўламларига қараб.



## **17-мавзу. Таҳририят фаолиятини мониторинг қилиш усул ва воситалари**

Социологиянинг таҳририят иши самарадорлигини оширишдаги роли ва асосий жиҳатлари. Ахборот технологиялари таракқий этган даврда мониторинг усули ва унинг кўринишлари. Мониторинг қилиш талаблари.

ОАВ таҳририятини мониторинг қилиш усул ва воситалари. Мониторинг қилиш даврида асосий тушунча ва бирликларни белгилаш. Мониторинг ўтказиш шакл ва воситалари. Таҳририят фаолияти самарадорлигини таъминлашда мониторинг усулининг аҳамияти.

### **IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

“ОАВ социологияси” бўйича семинар машғулотларининг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. “ОАВ социологияси” замонавий социологиянинг махсус тармоғи сифатида
2. Журналистик амалиётда социологиянинг ўрни ва аҳамияти
3. Социологик тадқиқот дастури
4. Журналистик фаолиятда аниқ социологик усуллар
5. ОАВ фаолиятини социологик усуллар орқали ўрганиш
6. Контент-таҳлил – ОАВ социологиясининг етакчи усулларида бири.
7. Социологик маълумот устида ишлаш ва таҳлил этиш
8. Таҳририятга келаётган хатлар билан социологик усуллар ёрдамида ишлаш ва уларни таҳлил қилиш
9. Журналистикада самарадорлик ва таъсирчанлик муаммоси
10. ОАВ аудиториясини ўрганиш – журналистика самарадорлигининг асосий йўналиши
11. Журналистик ижодда социологик ёндашув
12. Журналист касбининг ижтимоий–психологик хусусиятлари.
13. Ижтимоий гуруҳларда коммуникациянинг асосий социопсихологик муаммолари
14. Оммавий коммуникациялар жараёнида мулоқотларнинг ўрни ва аҳамияти
15. Журналист маҳоратини ўрганиш мезонлари
16. Журналист касбий қиёфаси ва ижтимоий имижини моделлаштириш
17. Таҳририят фаолиятини мониторинг қилиш усул ва воситалари

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини қўшимча манбалар маълумотлари билан қиёслаган ҳолда таҳлил этиш асосида бойитиб борадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўрганиш орқали талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, илмий мақолалар ва тезислар чоп этиш орқали талабалар билиминини ошириб бориш, мавзулар бўйича тарқатма материаллар, тақдимотлар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

### **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни қуйидагича белгиланади:

ОАВ социологиясига оид берилган адабиётларни ўқиш. Улар асосида маърузаларда ўрганилган журналистика психологияси васоциологияси билан боғлиқ ҳодисаларни амалда кузатиш ва унга мувофиқ топширилган ёзма иш, реферат, курс иши ҳамда малакавий-битирув ишларининг моҳиятини белгилаш талаб этилади.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- Дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлардан фанга оид бўлимлар ва мавзулар устида ишлаш;
- Янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
- Талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиши;
- Фаол ва муаммоли ўқитиш усулларидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- Масофавий (дистанцион) таълим.

#### **Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:**

1. “ОАВ социологияси” фанининг ижтимоий фан сифатидаги мураккаб тузилиши.
2. Социология ва журналистика фанининг объекти ва предмети.
3. Социологиянинг умумий назарияси, хусусий социология ва амалий социология.
4. Социологик тадқиқотларнинг услублари: ҳужжатларни ўрганиш, сўров ўтказиш ва кузатиш.
5. Социологиянинг тахририят иши самарадорлигини оширишдаги роли ва асосий жихатлари.
6. Журналистик ижод билан социологиянинг алоқаси.
7. Журналист кундалик фаолиятида қўллайдиган асосий социологик усуллар.
8. Ҳужжатлар билан ишлашнинг асосий кўринишлари.
9. Журналист ва тахририят фаолияти самарадорлигини оширишда социологиянинг ўрни.
10. Аниқ социологик тадқиқот дастури (АСТ) ва унинг босқичлари.
11. Социологик ҳужжат тушунчаси.
12. Ҳужжатлар билан ишлаш усулининг журналистик фаолиятда намоён бўлиши ва аҳамияти.
13. Сўров методи ва унинг характерли белгилари.
14. Кузатиш усули ва уни ўтказиш талаблари.
15. Эксперимент усули ва уни ўтказиш талаблари.
16. Контент–таҳлил усули ва унинг характерли белгилари.
17. ОАВ социологияси социология фанининг бошқа соҳалари билан алоқаси.
18. ОАВ социологиясининг тармоқлари.
19. Журналистика самарадорлигини социологик усуллар орқали ўрганиш омиллари.

20. Контент–таҳлил усулининг хатларни таҳлил қилишда етакчи усуллардан бири эканлиги.
21. Таҳририят фаолиятини мониторинг қилиш усул ва воситалари.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. The Sociology Book (Big Ideas Simply Explained). DK. 2015.
2. Мўминов Ф. Социология ва журналистика. Т.: 1995.
3. Мўминов Ф. Социология ва журналист фаолият турлари. Т.: 1995.
4. Убайдуллаева Р.А. ва б. Социология. 2002.
5. Корконосенко С.Г., Блохин И.Н. Социология журналистики. М.: 2004.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Гидденс Э. Социология. / тарж. Бегматов А. ва б.. Т.: 2005.
6. Штейнберг И., Шанин Т. Качественные методы. Полевые социологические исследования. С-Пб., 2009.
7. Общественное мнение: стратегия массовых вопросов (Социолог. Исслед-1993-№6).
8. Свитич Л.Г. Ширяева А.А. Проблемы подготовки журналистов: российская журналистика и журналистское образование. (Там же.-2004.-№3.)
9. Социология журналистики: учеб. пособие под. Ред. С.Г. Корконосенко. – М., 2004.
10. Федотова Л.Н. Анализ содержания-социологический метод изучения средств массовой коммуникации.-М.2001.
11. Фомичева И.Д. «Индустрия рейтингов. Введение в медиаметрию». М. 2005.
12. Ядов В.А. «Стратегия социологического исследования».-М. 2001.

### **Интернет сайтлари**

1. <https://sociology.stanford.edu>
2. <https://sociology.uchicago.edu>
3. [www.asanet.org/about-asa/asa-story/what-sociology](http://www.asanet.org/about-asa/asa-story/what-sociology)

